

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлиги тизимидаги” давлат тиббиёт
муассасаларида аутсорсинг хизматлари
кўрсатиш тартиби тўғрисида низом”га

2-илова

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА № 19990

“ 13” май 2022йил

Бешарик тумани

Бешарик туман Тиббиёт Бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Л.С.Жўраев (кейинги ўринларда Бюртмачи деб аталади), бир томондан “YASIN O” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи рахбари Х.Мамадалиев кейинги ўринларда (Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I.Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Бюртмачининг бюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Бюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, тугагунга қадар хар куни Бюртмачини **Бешарик туман Тиббиёт Бирлашмаси стрелизация ва утилизация хизматини бажариш** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг номатив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гиғиена нормалари қоидаларига риоя этган ҳолда, Бюртмачи билан келишилган бюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3.Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил 25-апрелдан бир календар йилига қадар амал қилади.

1.4.Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Бюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1.Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2.Ижарага олинган бино ва иншоотларни ички ва ташқи қисмида техник жихатдан жихослаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3.Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4.Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилиши ни талаб қилиш;

2.1.5.Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6.Бюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7.Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиш, сақлаш омборлари носоз ҳолатга келганда уларни ўз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, комунал харажатларни қоплаши;

2.2.2.Аутсорсинг хизмати кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатий риоя этиши;

2.2.3.Товар (ишлар,хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва бюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4.Махфийлик тартибига қатий риоя қилиши;

2.2.5.Шартномани бекор қилиш ҳақида бюртмачи икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунга қадар эса бюртмачининг тегишли хизматларни узлуксиз ташкил этишни таъминлаш;

2.2.6.Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3.кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7.Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувиغا оолиб келган барча камчиликларни Бюртмачининг талаби бўйича бир кундавомида бепул тўғрилаши;

2.2.8.Хизматларнинг сифатсизлиги хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Бюртмачини аниқланган қачиликларини бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариш;

2.2.9.Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни), амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли,ҳужжатларни мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда,таббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10.Ходимлар зиммасига Бюртмачинг ҳудудида одоб ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ишки тартибга риоя қилиш, мажбуриятини юклаш;

2.2.11.Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши мазкур шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида бюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган учқуналар, жихослар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар, ва бошқалар моддий воситаларни соз холда сақлаши, таъмирлаши шунингдек, биноларни таъмирлаш;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини шакллантирган холда, Бюртмачидан биноларни -(хоналарни), усқуналар, жихослар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар, ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиш;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Бюртмачи икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугаганунга қадар эса Бюртмасига хизматлар узлукеиз кўрсатилишини таъминлаш;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан хизматлар кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Бюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга.

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдиндан Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тартитибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4.1. Бажарилган ишларни йиғма даолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур шартномани шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), усқуналар, жихослар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар, ва бошқалар моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III Хизматлар нархи ва ўзараро ҳисоб-китоблар тартиби.

3.1. Мазкур шартномага мувофиқ хизматлар нархи **269 100 000 (Икки юз олтмиш тўққиз миллион бир юз минг) сўмни** ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади;

3.3. Кўрсатилган хизматларни амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Бюртмачи кундалик бюртмага мувофиқ;

Аутсорсер билан биргаликда хар 3 кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва бюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва хисоб-фактура расмийлаштирилади.

3.4. Бюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва хисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк иш куни давомида шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади;

3.5. Мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини хисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

IV ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган холларда, Бюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50% ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларни бажаришда ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур шартнома шартларини бажармасилиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодекси талабларида “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Бюртмачига хар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолати мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолитига аралашмган ҳолда) шароитлар яратиш;

4.5. Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни хал этиш тартиби:

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.

5.2. Низолар келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этиб бўлмайдиган холларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда суд кўриб чиқиши учун берилади.

VI Форс-мажор ҳолатлари

Томонлар мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий газ ва техноген тусдаги ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, Жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур шартномани барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқу ва мажбуриятларини бошқа томонни ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати.

Ушбу шартнома имзоланган кундан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилунгунга қадар қилади.

IX. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

“Аутсорсер”

“YASIN O” МЧЖ

Манзил: Бешариқ тумани

х\в 20208000505245326001

Агро банк Бешариқ филиали

МФО:00513СТИР:307518883

“Бюртмачи”

Бешариқ туман Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Бешариқ шаҳри Сирдарё кўчаси

ш\х 100022860302157073101054001

Бюджетдан маблағ олувчи: СТИР:200155126

Бешариқ туман ғазначилик бўлинмаси

ғазна х\в: 23402000300100001010

Марказий Тошкент шаҳар БХККМ

МФО:00014


Ғазначилик бўлинмаси СТИР: 201122919


Рахбар: _____ Л.С.Жўраев.



Рахбар:

Х.Мамадалиев





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
BESHARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150300, Beshariq tumani, Oltin Vodiy ko'chasi, 46-uy, tel.: (998 73) 612 21 19,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: beshariq.t-yurmarkaz@adliya.uz

13.05.2022 yil

Beshariq tuman
Tibbiyot birlashmasi

XULOSA

(Tibbiyot birlashmasining № 19990-sonli
shartnoma loyihasiga)

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyhaning nomi: Outsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'satish to'g'risidagi № 19990-sonli shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Beshariq tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022 yil 11 may kuni ishlab chiqilib markazga taqdim qilingan.

4.Loyiha bo'yicha taklif: Beshariq tuman Tibbiyot birlashmasi hamda "YASIN O" MCHJ o'rtasida Outsorsing shartlari asosida xizmatlarni ko'satish to'g'risidagi № 19990-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiqligi o'rganib chiqildi.


Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29 avgustdagi 670-I-sonli "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunining 10-moddasi (Xo'jalik shartnomasiga nisbatan qoyiladigan talablar)ga, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi sog'liqni saqlash tizimini tubdan takomillashtirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2018 yil 7 dekabrda PF-5590-son Farmoni, "Odamning immunitet tanqisligi virusi keltirib chiqaradigan kasallik tarqalishiga qarshi kurashish va shifoxona ichki infeksiyalarini profilaktika qilish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi 2018 yil 22 iyundagi PQ-3800-son qarori, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 10 yanvardagi 16-sonli va "O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 02-iyuldagi PQ-5171-sonli "Davlat xaridlari shaffofligini ta'minlash va samaradorligini oshirishga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risidagi qaror" talablari doirasida ishlab chiqilgan.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rgangan holda huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA

Mazkur shartnoma loyihasi amaldagi qonunchilikka muvofiq ishlab chiqilgan va uni imzolash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Beshariq tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti:



F.Jo'rayev